

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Yu.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

МЕХМОНОВ ҚАМБАРИДДИН МИРАДХАМОВИЧ

КОМПЬЮТЕР ДАСТУРЛАРИ ВА МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИГА ОИД
МУНОСАБАТЛАРНИ ФУҚАРОЛИК-ХУҚУҚИЙ ТАРТИБГА
СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Content of the abstract of doctoral dissertation

Меҳмонов Қамбариддин Мирадхамович

Компьютер дастурлари ва маълумотлар базасига оид муносабатларни фуқаролик-хуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш.....3

Меҳмонов Қамбариддин Мирадхамович

Совершенствование гражданско-правового регулирования отношений, связанных с компьютерными программами и базами данных.....23

Mekhmonov Kambariddin Miradhamovich

Improvement of civil-legal regulation of the relations connected with computer programs and databases.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....47

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Yu.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

МЕХМОНОВ ҚАМБАРИДДИН МИРАДХАМОВИЧ

КОМПЬЮТЕР ДАСТУРЛАРИ ВА МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИГА ОИД
МУНОСАБАТЛАРНИ ФУҚАРОЛИК-ХУҚУҚИЙ ТАРТИБГА
СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Үу42 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsul.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Караходжаева Дилором Мамировна
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рустамбеков Исломбек Рустамбекович
юридик фанлар доктори, доцент

Сафоева Садоқат Мусоевна
юридик фанлар номзоди

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Адлия
вазирлиги қошидаги Юристлар
малакасини ошириш маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Үу.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил 9 ноябрь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36 факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (849-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар А.Темур кўчаси 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2018 йил 26 октябрь куни тарқатилди.

(2018 йил 26 октябрдаги 6-рақамли реестр баённомаси).

Н.С.Салаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, юридик
фанлар доктори, доцент

Б.Т.Мусаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, юридик
фанлар бўйича фалфаса доктори (PhD)

Н.Ф.Имомов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, юридик фанлар доктори, профессор

К И Р И Ш (Докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда интеллектуал мулк объектларини фуқаролик муомаласига киритиш устувор вазифа ҳисобланади. Ҳозирда компьютер дастурлари ва маълумотлар базаси интеллектуал мулкнинг нисбатан шиддат билан ривожланаётган объектларидан биридир. Соҳада фаолият кўрсатувчи айрим йирик компанияларнинг йиллик даромади 705 миллиард АҚШ долларидан ортиқни ташкил қилади¹. Шундай бўлсада, жаҳонда компьютер дастурлари ва маълумотлар базасидан ноқонуний фойдаланиш 2016 йил ҳолатига 39 фоизни ташкил қилган бўлса, биргина АҚШда лицензияланмаган дастурий таъминотдан фойдаланиш 19,1 млрд. АҚШ долларини ташкил қилган². Бу кўрсаткич дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам юқориликча қолмоқда. Бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар – конвенциялар, Европа Иттифоқининг директиваси мавжудлигига қарамадан, ҳанузгача маданий қароқчиликка, контрафакт нусхаларнинг фуқаролик муомаласига киритилишига барҳам берилмаган. Ушбу ҳолат ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқларини амалга ошириш ва муҳофаза қилишни такомиллаштириш зарурати мавжудлигидан далолат беради.

Жаҳонда компьютер дастурлари ва маълумотлар базасига оид муносабатларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш асосида мазкур соҳани такомиллаштириш йўналишлари бўйича давлатлараро ҳамкорликни кучайтиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, компьютер дастурлари ва маълумотлар базасига оид муносабатларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш истиқболларини тадқиқ этиш, мутлақ ҳуқуқларни амалга оширишда шартномавий-ҳуқуқий конструкциялардан фойдаланиш, ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик ҳамда ҳуқуқни ҳимоя қилиш усуллари такомиллаштириш, халқаро стандартларга миллий қонунчиликни мослаштириш, қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш долзарблик касб этмоқда.

Республикамызда компьютер дастурлари ва маълумотлар базасини яратиш ва фуқаролик муомаласига киритиш кўрсаткичлари³ тобора ортиб бораётган шароитда компьютер дастурлари ва маълумотлар базасига оид муносабатларда ҳуқуқларни амалга ошириш ва ҳимоя қилиш, суд ишларини юритишда ахборот-коммуникация технологияларини қўллашга алоҳида эътибор берилиб, қатор мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу боисдан, «интеллектуал мулкни ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни янада ривожлантириш, ҳуқуқларнинг халқаро тан олиншини таъминлаш, дастурий маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга янада қулай шароитлар яратиш»⁴ мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг устувор

¹ <http://www.softwagemag.com>

² <http://www.bsa.org>

³ <http://ima.uz>

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, бу соҳани тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1997), «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги (1994), «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги (2002), «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги (2006), «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги (2015) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларини рағбатлантиришни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2013) ПҚ–2042-сон қарори, «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги (2017) ПФ–4947-сон, «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги (2018) ПФ–5308-сон фармонлари ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган устувор вазифаларнинг амалга оширилишида ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик давлатни ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Компьютер дастурлари ва маълумотлар базасига оид муносабатларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш масалалари миллий цивилистикада тадқиқ этилмаган. Ўзбекистон миллий ҳуқуқ тизимида интеллектуал мулкнинг умумий жиҳатлари Ҳ.Р.Раҳмонкулов, И.Б.Зокиров, О.Оқюлов, Д.М.Қараходжаева, Б.Н.Тошев, И.И.Насриев, Н.Ф.Имомов, М.Х.Боротов ва бошқаларнинг асарларида муайян даражада ўрганилган¹.

Ўзбекистонда интеллектуал мулкнинг айрим объектлари бўйича З.С.Акрамходжаева, С.М.Сафоева, И.В.Бирюкова, Б.У.Ахмаджонов ва бошқалар томонидан махсус тадқиқ этилган.

Хорижий мамлакатларда Mathias Klang, Jody R. Westby, Charles Ritstein томонидан ўрганилган бўлса, МДХ мамлакатларида И.А.Зенин, А.П.Сергеев, В.В.Черячукин, Н.В.Котельников, А.А.Крыжановская, Е.А.Кондратьева, И.А.Носова, Р.А.Евдокимов ва бошқа олимлар бу борада илмий тадқиқот олиб борган.

Гарчи тадқиқот мавзуси доирасида муайян илмий ишланмалар мавжуд бўлсада, бугунги кунда Ўзбекистоннинг ривожланиши шароитида фуқаролик

¹ Мазкур олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

қонунчилиги, ҳуқуқни қўллаш амалиёти юзасидан компьютер дастурлари ва маълумотлар базаларига оид фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар илмий назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ қилинмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш муаммолари» (2014–2019), «Интеллектуал мулк объектларини фуқаролик муомаласида бўлишини фуқаролик ҳуқуқий таъминлаш» (2014–2019) устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади компьютер дастурлари ва маълумотлар базасига оид муносабатларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

компьютер дастурлари ва маълумотлар базасига оид фуқаролик-ҳуқуқий муносабат тушунчаси ва ўзига хос хусусиятларига тавсиф бериш;

компьютер дастурлари ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий режими ҳамда интеллектуал мулк объектлари тизимида тутган ўрнини аниқлаш;

компьютер дастурлари ва маълумотлар базасига нисбатан ҳуқуқлар вужудга келиши асосларини ҳамда мутлақ ҳуқуқлар мазмунини таҳлил қилиш;

компьютер дастурлари ва маълумотлар базасига оид шартномалар тизими ҳамда шартнома конструкцияларини қўллаш муаммоларини ўрганиш;

компьютер дастурлари ва маълумотлар базасига оид фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда жавобгарликни белгилаш;

компьютер дастурлари ва маълумотлар базасига оид қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш истиқболларини аниқлаш;

компьютер дастурлари ва маълумотлар базасига оид муносабатларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти компьютер дастурлари ва маълумотлар базасига оид фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети компьютер дастурлари ва маълумотлар базасига оид муносабатларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборатдир.

Тадқиқотнинг усуллари илмий билишнинг тарихийлик, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, мантиқийлик, қиёсий-ҳуқуқий, статистик усулларидан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

компьютер дастурлари ва маълумотлар базасига оид фуқаролик-ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқий мақоми, идентификацияси ва ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш қоидалари ишлаб чиқилган;

электрон ҳукумат доирасида компьютер дастури ва маълумотлар базасидан интеграциялашган ҳолда фойдаланишга доир миллий қонунчиликни халқаро стандартларга унификациялаш зарурати асосланган;

компьютер дастурлари ва маълумотлар базасидан фойдаланишда муаллифларнинг мутлақ ҳуқуқлари ва истеъмолчилар ҳуқуқларини таъминлаш қоидалари асосланган;

компьютер дастурлари ва маълумотлар базасига оид фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланиб, ўзаро электрон ҳамкорлик қилиш қоидалари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

компьютер дастурлари ва маълумотлар базасига нисбатан ҳуқуқларни ноу-хау режимида ҳуқуқий ҳимоя қилиш мақсадга мувофиқ эмаслиги асосланган;

компьютер вирусининг ҳуқуқий режими аниқланган ва хулосалар берилган;

компьютер дастурлари ва маълумотлар базасига оид очик кодли лицензия шартномалари, *GNU ёки General Public License, Original equipment manufacturer*, булутли технология каби турларнинг ўзига хос хусусиятлари ва уни амалиётда қўллаш истиқболлари аниқланган;

компьютер дастурларига нисбатан ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усулларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

компьютер дастури ва маълумотлар базасини яратиш, унинг фуқаролик муомаласида бўлишига доир фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда махсус ваколатли давлат органларининг ўрни ва ролини белгилаш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация ишининг ҳар бир боби якунида келтирилган хулосалар, шунингдек диссертация ишининг хулосасида ўз аксини топган умумназарий тўхтамлар (қоидалар), қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар фуқаролик ҳуқуқи, тадбиркорлик ҳуқуқи, халқаро хусусий ҳуқуқ фанида мавжуд бўлган назарий қарашлар, ушбу соҳадаги халқаро ҳужжатлар, хорижий мамлакатлар қонунчилиги, миллий қонунчилик нормалари, шунингдек ҳуқуқни қўллаш амалиётига асосланган. Тадқиқот ишидаги ахборот базасининг ишончлилиги фақатгина расмий нашрларда эълон қилинган статистик маълумотлардан, шунингдек монографик тадқиқотларда текширилган ва нашр этилган натижалардан фойдаланилганлиги билан белгиланади.

Бундан ташқари, тадқиқот ишида муаллиф томонидан 2017 йил декабрь ойида Ўзбекистон Интеллектуал мулк агентлигида амалга

оширилган стажировка давомида олинган амалиёт материалларидан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида компьютер дастурлари ва маълумотлар базасига оид фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги ва бошқа қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар тайёрланган ва улардан қонун ижодкорлиги жараёнида фойдаланилган.

Шунингдек, тадқиқотнинг айрим натижаларидан талабалар учун турли ўқув ва методик қўлланмалар ҳамда олий ўқув юртларининг «Фуқаролик ҳуқуқи» ва «Ахборот ҳуқуқи» фанлари ўқув жараёнида маъруза ва семинарлар ўтиш жараёнида фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Компьютер дастурлари ва маълумотлар базасига оид муносабатларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

компьютер дастурлари ва маълумотлар базасига оид фуқаролик-ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқий мақоми, уларни идентификация қилиш, компьютер дастурлари ва маълумотлар базасини яратиш, фойдаланиш, уларга нисбатан мутлақ ҳуқуқларни амалга ошириш ва ҳимоя қилиш, ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашга доир таклифлар Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Қонуни 10-моддасида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2016 йил 25 ноябрдаги 15-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилинганлиги компьютер дастурлари ва маълумотлар базасига оид муносабат иштирокчиларини аниқлаш, тарафлар ўртасидаги муносабатларни самарали ҳуқуқий тартибга солишга хизмат қилган;

компьютер дастурлари ва маълумотлар базасидан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатда уйғун равишда фойдаланган ҳолда ҳуқуқий тартибга солиш механизмини такомиллаштириш ва халқаро стандартлар даражасига етказишга доир таклифлар Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Қонуни 27-моддасининг иккинчи қисмида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2016 йил 25 ноябрдаги 15-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг қабул қилинганлиги компьютер дастурлари ва маълумотлар базасидан фойдаланувчиларга қулайликлар яратиш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш ва хизмат кўрсатиш сифатини оширишга хизмат қилган;

компьютер дастурлари ва маълумотлар базасидан интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни амалга ошириш ва ҳимоя қилишда фойдаланиш, истеъмолчилар ҳуқуқларини таъминлаш ва бу борада давлат органи билан ҳуқуқий ҳамкорлик қилишга оид таклиф ва хулосалардан

Ўзбекистон Республикасининг «Кинематография тўғрисида»ги Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқилишида фойдаланилган («Ўзбеккино» миллий агентлигининг 2016 йил 11 ноябрдаги 01-05/03-891-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф муаллифларнинг мутлақ ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилган;

компьютер дастурлари ва маълумотлар базасига оид фуқаролик-ҳуқуқий муносабатда субъектларнинг мулкӣ ҳуқуқларининг мавжудлиги ва тан олинishi, маълумотлар базасини сақловчи ва фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, электрон ҳамкорлик қилишга оид таклифдан ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2016 йил 25 октябрдаги 18-8/5861-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларни қабул қилинганлиги мулк ҳуқуқини тан олиш ва ҳимоя қилиш, ҳуқуқ бузилишининг олдини олиш ҳамда мулк ҳуқуқини кафолатлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 10 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция ва семинарларда синовдан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 34 та илмий иш, жумладан, 2 та монография, 15 та илмий мақола (3 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация тузилиши кириш, 9 та параграфни қамраб олган 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 145 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **«Компьютер дастурлари ва маълумотлар базасига оид муносабатларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг тавсифи»** деб номланган биринчи бобида компьютер дастурлари ва маълумотлар базасига оид фуқаролик-ҳуқуқий муносабат тушунчаси, ҳуқуқий режими, интеллектуал мулк объектлари тизимида тутган ўрни ҳамда фуқаролик-

ҳуқуқий тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари ва тамойиллари таҳлил қилинган.

Компьютер дастурлари ва маълумотлар базасига оид Европа Иттифоқининг 2009 йил 23 апрелдаги «Компьютер дастурларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 2009/24/ЕВ Директиваси, МДХ мамлакатлари қонунчилиги, хорижий эксперт ва олимлар (Annette Kur, Thomas Dreier, И.А.Носова, В.Черячукин, С.Малахов, Н.А.Дмитрик) ва миллий олимлар (О.Окюлов, Н.Имомов, И.Рустамбеков) томонидан билдирилган ёндашувлар таҳлили асосида компьютер дастурлари ва маълумотлар базасига оид муносабатларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг умумий ва махсус асосларини такомиллаштириш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги Қонуни ҳозирги кун талабларига жавоб бермаслиги, ушбу қонун асосан Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонунини такрорлаши сабабли уни янги таҳрирда қабул қилиш зарурати асосланган.

Компьютер дастурлари ва маълумотлар базасига оид муносабатларга қуйидаги муаллифлик таърифи берилган: «Компьютер дастурлари ва маълумотлар базасига оид фуқаролик-ҳуқуқий муносабат деганда, фуқаролик-ҳуқуқий муносабат субъектларининг компьютер дастури ва маълумотлар базасини яратиш, улардан фойдаланиш ва тасарруф қилишдан келиб чиқадиган ижтимоий муносабат тушунилади». Компьютер дастури ва маълумотлар базасидан фойдаланган ҳолда виртуал майдонда вужудга келадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, реал ҳаётда инсонларнинг мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларига ўз таъсирини кўрсатади. Масалан, *Twitter*, *Instagram*, *Telegram*, *Facebook* ижтимоий тармоқларидаги ижтимоий муносабатлар.

Амалга оширилган таҳлиллар натижасида Ўзбекистон Республикасида сўнги вақтларда софтиндустрияни шакллантиришга ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги ҳамда устувор йўналиш сифатида намоён бўлаётганлиги таъкидланиб, электрон ҳукумат доирасида бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинганлиги, давлат органлари томонидан кўрсатиладиган хизматларни ривожлантириш, дастурий маҳсулотлар интеграцияланишига жиддий эътибор бериш зарурати асосланган.

Муаллиф «Софтиндустрия тўғрисида»ги Қонуннинг вазифалари сифатида: 1) дастурий маҳсулотлар яратувчиларини тайёрловчи мажбурий ўқув дастурларининг белгиланиши; 2) соҳага доир академик лицей, касб-ҳунар коллежи ва олий таълим муассасалари фаолият юритишини таъминлаш; 3) дастурловчининг алоҳида ҳуқуқий мақомини белгилаш; 4) дастурловчилар миллий реестрини юритиш хусусиятлари; 5) дастурий маҳсулотларнинг алоҳида ҳуқуқий режимини белгилаш; 6) дастурий маҳсулотларни яратиш, фойдаланиш ва ҳуқуқий ҳимоя қилишда, шу жумладан, хавфсизликни таъминлашда давлат таъсири механизмини

белгилаш; 7) ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида софтиндустрияни ривожлантириш ва мустаҳкамлашни давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш; 8) софтиндустрияни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва хавфсизликни таъминлаш; 9) софтиндустриянинг мавжуд бўлишига тўсқинлик қилувчи ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг самарали ҳуқуқий чоралари белгиланишини ажратиб кўрсатган.

Компьютер дастурларининг муаллифлик ҳуқуқи, патент ҳуқуқи, ошкор этилмаган ахборотлар режимидаги объектлар ҳамда интеллектуал мулкнинг бошқа объектларидан фарқи аниқланди. Хусусан, компьютер дастурларининг интеллектуал мулкнинг ноанъанавий объектлари юзасидан А.П.Сергеев, Н.Ф.Имомовларнинг «ноанъанавий объектлар институти»га оид хулосалари таҳлил қилиниб, компьютер дастурлари ва маълумотлар базаси инсон учун тушунарсиз тилда ифодаланган янги объект эмаслиги асослантилди. Бу ўринда «тушунарсизлик» айнан объект сифатидаги унинг объектив шакли, объект коди ва бошланғич код шаклига нисбатан тааллуқлилиги ҳамда ушбу кодлар рақамли шаклда компьютер ёки бошқа электрон қурилма томонидан қайта ишланган ҳолда тушунарли шаклга келиши (масалан, матн ёзиш, расм чизиш, ҳисоб-китобларни амалга ошириш) кўрсатиб берилди.

Компьютер дастурларининг ўзига хос хусусиятлари сифатида: 1) муайян алгоритмлар тизимининг мавжудлиги; 2) объектив шаклда ифодаланганлиги; 3) компьютер дастурларига нисбатан ҳуқуқлар қонунга мувофиқ тарзда вужудга келиши ва бекор бўлиши; 4) фуқаролик муомаласига киритилишида одатдаги ёзма шартномадан эмас, балки электрон шаклдаги офертани тасдиқлаш йўли билан фойдаланиш ҳуқуқининг вужудга келиши; 5) компьютер дастурлари бошланғич матн, яъни бирорта дастурлаш тилида ёзилган, бирон-бир компилятор қайта ишламаган матнга эга бўлиши; 6) бошланғич матннинг машина кодига айлантирилиши натижасида юзага келган дастур объект коди сифатида намоён бўлиши кўрсатилди.

Маълумотлар базасини ҳимоя қилишда *sui generis* институтини миллий қонунчиликда қўллаш истиқболлари алоҳида таҳлил қилинди. Европа мамлакатларининг айримлари маълумотлар базасини ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг мустақил – *sui generis* институтини қўллашни назарда тутиши, хусусан, Бельгия, Испания, Нидерландия, Германия, Францияда ушбу ҳуқуқий ҳимоя қўлланилаётганлигини ўрганиш натижасида ушбу институт маълумотлар базасини ҳуқуқий ҳимоя қилишда оригинал бўлмаган объектларни қамраб олишга имкон бериши қайд этилди. Натижада муаллиф маълумотлар базаси тушунчаси, маълумотлар базаси яратувчиси, унинг мутлақ ҳуқуқларини аниқлаштириш ва қонунчиликка киритиш зарур деган хулосага келган.

«Компьютер дастурлари ва маълумотлар базасига нисбатан ҳуқуқлар – фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш объекти сифатида» деб номланган иккинчи бобда компьютер дастурлари ва маълумотлар базасига

нисбатан ҳуқуқларни вужудга келиш асослари, компьютер дастурлари ва маълумотлар базасига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар мазмуни, компьютер дастурлари ва маълумотлар базаси яратувчиларининг мулкӣй ва шахсий-номулкӣй ҳуқуқлари ҳамда уларни ҳимоя қилиш масалалари таҳлил қилинган.

Диссертант компьютер дастурларидан фойдаланишнинг энг кенг тарқалган ва универсал ҳуқуқӣй воситаси лицензия шартномаси эканлигини, бу шартнома мутлақ ҳуқуқдан шартнома асосида қонуний фойдаланишга имкон беришини қайд этади.

Муаллиф очиқ кодга эга бўлган дастурий маҳсулотлар бутун дунёда кенг оммалашганлиги, хусусан, Европа Иттифоқининг очиқ кодли дастурий таъминотдан фойдаланувчи давлат муассасалари 79,3 фоизни, Аргентинада 92 фоизни, Болгарияда 70 фоизни ташкил қилишини таъкидлайди. Россия Федерацияси ва хорижий компаниялар ўртасида зиддиятлар вужудга келганлиги боис дастурий таъминотлар бўйича давлат харидларини гарчи махсус лицензия шартномаси асосида харид қилишни тақиқламаса-да, имкон доирасида айнан очиқ кодли дастурий таъминотларни ҳамда миллий дастурий маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга устуворлик беришни ўзига хос ёндашув деб баҳолайди.

Муаллиф томонидан амалга оширилган таҳлиллар, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш натижасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартдаги «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–1730-сон қарорида белгиланган лицензиялаш, миллий дастурий маҳсулотлардан ёхуд очиқ кодга эга бўлган дастурий маҳсулотлардан кенг фойдаланишга доир белгиланган вазифалар тўлақонли амалга оширилиши муаммолигича қолаётганлигини асослаб берган. Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига компьютер дастури ва маълумотлар базасидан фойдаланиш тўғрисида лицензия шартномасини киритиш таклиф қилинди.

Диссертацияда компьютер дастурларини яратиш ва улардан фойдаланишда турли фуқаролик-ҳуқуқӣй конструкциялардан фойдаланиш, бу борада хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлил қилиниб, дастурий таъминотдан фойдаланиш нафақат тарафлар ўртасидаги шартномавий мажбуриятлар, уларни лозим даражада бажариш, фуқаролик муомаласида бўлиши, балки давлат ва жамият хавфсизлигига ҳам ўз таъсирини кўрсатиши мумкинлиги баён этилган. Бу борада дастлаб *Dell*, кейинчалик *Booz Allen Hamilton* пудрат ташкилотига мутахассис сифатида ишлаган Эдвард Сноуден билан боғлиқ воқеалар кўпчиликни бефарқ қолдирмаганлиги баён этилган.

Муаллиф компьютер дастурлари ва маълумотлар базасига нисбатан интеллектуал мулкни ҳимоя қилишнинг англо-саксон ҳуқуқ тизимида қўлланиладиган умумий ва махсус усул ҳамда воситалари (Антон Пиллер ордери, ҳуқуқни тан олиш ва ҳ.к.), цивилист олимларнинг фикрларини таҳлил қилиб, компьютер дастури ва маълумотлар базасига нисбатан

ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усулига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган. Шунингдек, диссертацияда компьютер дастурларига нисбатан ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усули ва воситалари, албатта, қонуний ҳамда ҳуқуқ йўл қўядиган даражада бўлиши зарурлиги асослаб берилди.

«Компьютер дастурлари ва маълумотлар базасига оид муносабатларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари» деб номланган учинчи бобда компьютер дастурлари ва маълумотлар базасига оид шартномалар тизими, шартнома конструкцияларини қўллаш, компьютер дастурлари ва маълумотлар базасига оид фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар юзасидан жавобгарлик ҳамда қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш истиқболлари таҳлил қилинган.

Диссертант компьютер дастурлари ва маълумотлар базасини яратиш юзасидан тузиладиган шартнома конструкцияларини алоҳида ўрганиб, компьютер дастурлари ва маълумотлар базасини яратиш юзасидан тузилаётган шартномаларда одатдаги товарга нисбатан бўлганидек муносабат кенг кузатилаётганлигини кўрсатади. Бунда шартноманинг муҳим шартлари ва одатдаги шартлар ўртасидаги нисбатни аниқламаслик ҳолати учраётганлиги, айрим ҳолларда турли амалиёт дастурларида ишлаши мумкин бўлган компьютер дастурига нисбатан монопол мавқега эга бўлган ёки ўзи лицензия шартномаси асосида фойдаланаётган амалиёт тизими асосига барпо этилишига доир ноқонуний талаблар қўйиш ҳолларини қайд этган.

Шунингдек, *Microsoft Windows, Linux, Kasperskiy, E-nod* ва бошқа дастурий маҳсулотларни ҳаммуаллифликда, хизмат вазифасини бажариш тартибида яратиш ҳамда мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш масалалари таҳлил қилиниб, Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги Қонунига янги 4¹, 4², 8¹-модда ҳамда 1, 14-моддаларга қўшимчалар киритиш таклиф қилинди.

Муаллиф компьютер дастурлари ва маълумотлар базасидан фойдаланишда турли шартнома конструкцияларини қўллаш, маълумотлар базаларини интеграция қилиш, электрон ҳуқуқат доирасида хизматлар кўрсатишдаги муаммоларга алоҳида эътибор қаратади. Бу борада ҳуқуқни қўллаш амалиётида турли дастурий маҳсулотлардан қонунчиликда белгиланган талабларга мос келмаган ҳолда фойдаланиш фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишга ўзининг салбий таъсирини кўрсатишини қайд этган. Таҳлиллар натижасида Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳуқуқат тўғрисида»ги қонунига маълумотлар базасидан интеграциялашган ҳолда фойдаланиш имкониятини назарда тутувчи қоидалар мавжуд бўлиши мақсадга мувофиқлиги асосланган.

Компьютер дастурларидан фойдаланиш бўйича ноънанавий шартномалар, хусусан, *Original equipment manufacturer* келишув, обуна ҳамда булутли технология асосида компьютер дастурларидан фойдаланишга доир шартномалар ўрганилди. Компьютер технологияси соҳасида булутли

технология¹ (*облачные технологии*) кенг қўлланилаётганлиги, серверларнинг турли давлатларда жойлашганлиги, бу борада аксарият МДХ мамлакатларида ҳам алоҳида қонунчилик мавжуд эмаслиги қайд қилинди. Ахборот-коммуникация технологиялари ривожланган мамлакатлар, хусусан, Япония, Германия, АҚШ, Франция ва бошқа мамлакатларнинг бу борадаги амалиёти ўрганилиб, янги воқелик сифатида *DropBox, Google Drive, SkyDrive* каби дастурий маҳсулотлар эгаси бўлган компаниялар билан ҳамкорликни ривожлантириш, бу борада ахборот тизимлари хавфсизлигини таъминлаш, ушбу технология асосида хизмат кўрсатишга доир шартнома конструкцияларини мутлақ ҳуқуқларга доир шартнома конструкцияси билан уйғун ҳолда қўллаш, булутли технология асосида яратилган натижага нисбатан ҳуқуқларни аниқлаштириш ғояси илгари сурилди.

Диссертант компьютер вирусини фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ этиб, бу борада алоҳида тадқиқот олиб борган Mathias Klang компьютер вирусларини муқобил, санъат, маслаҳат берувчи, эркин ифодалаш, ёрдамчи, сунъий ҳаёт тарзи сифатида² ўргангани юзасидан ўз фикрларини билдиради. Хорижий мамлакатларда, хусусан, АҚШ (*Computer Virus Eradication Act*), Япония (*Penal Code Act No. 45, 74*)да махсус нормалар (компьютерга зарар етказиш йўли билан бизнесга тўсқинлик қилганлик (234²-модда), компьютер фирибгарлиги (246²-модда)) қонунчилиги таҳлил қилиниши натижасида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида, хусусан, фуқаролик қонунчилигида фуқаролик муомаласидан чиқарилган объект, ошиқча хавф манбаи, енгиб бўлмас куч, форс-мажор каби категорияларда белгиланиши асослантирилди.

Диссертант интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишда замонавий компьютер дастурларидан, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш муҳимлигини қайд этади. Шу боисдан интеллектуал мулк объекти сифатида кинематография асарларидан фойдаланиш, уларни тижорат муомаласига киритилиши, тегишли рўхсатнома асосида оммавий намойиш қилинишига доир алоҳида Ўзбекистон Республикасининг «Кинематография тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши ва мазкур қонунда фильмга нисбатан муаллифлик ва мутлақ ҳуқуқларни, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида Ягона ахборот тизимини жорий қилишга доир норма белгиланиши мақсадга мувофиқлигини асослайди.

Муаллиф мамлакатимизда компьютер дастурлари ва маълумотлар базасига оид фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар суд-ҳуқуқ амалиётини такомиллаштиришга ўз таъсирини кўрсатаётганини таҳлил қилиб, бу борада судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишда қуйидаги бир қатор устувор йўналишларга эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблайди:

¹ Булут бу ўринда масофада туриб, исталган мобил қурилма воситасида Интернетга уланган ҳолда учинчи шахслар томонидан тақдим қилинадиган веб-сервислардан фойдаланиш маъносини англатади.

² Mathias Klang. A critical look at the Regulation of Computer Viruses //International journal of law and Information technology, 2003, vol.11. No 2. 162-183 p.

биринчидан, фукаролик ишлари бўйича туманлараро суди, иқтисодий судлар, жиноят ишлари бўйича судларга мурожаат қилиш имконини берувчи Ўзбекистон Республикаси судларига ҳужжатларни электрон шаклда тақдим қилишни назарда тутувчи процессуал қонунчиликни янада ривожлантириш;

иккинчидан, ҳужжатларнинг электрон шакли, шахсий кабинет, суднинг расмий веб-сайтида мавжуд электрон шаклни тўлдириш, алоҳида тартибда фукаролик ишлари бўйича туманлараро суди, иқтисодий судлар, жиноят ишлари бўйича судларга ҳужжатлар тақдим қилиш, ҳужжатларни юклаш ва тақдим қилиш билан боғлиқ қоидалар белгиланиши;

учинчидан, тақдим қилинадиган электрон ҳужжатларнинг хавфсизлиги, тарафларнинг электрон рақамли имзодан фойдаланишига доир қоидалар назарда тутилиши;

тўртинчидан, «e-sud» лойиҳаси доирасида қўлланилаётган дастурий маҳсулотнинг бошқа давлат органлари маълумотлар базаси билан интеграциялашган бўлиши;

бешинчидан, судлар ҳамда процесснинг бошқа иштирокчилари учун қулай ва замонавий (айниқса, очик кодли) дастурий маҳсулотдан фойдаланиш, хавфсизлик талабларига мос келиши.

ХУЛОСА

Компьютер дастурлари ва маълумотлар базасига оид муносабатларни фукаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқот натижасида назарий ва илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Компьютер дастури ва маълумотлар базасига қуйидагича таъриф бериш мумкин бўлди:

«Компьютер дастури – бу амалдаги қонунчиликка мувофиқ тарзда унга нисбатан ҳуқуқлар вужудга келган (ёки вужудга келтирувчи), объектив шаклда ифодаланган ҳамда муайян натижа олиш мақсадида компьютер (унинг тизимлари, ўзаро алоқадор бўлган компьютерлар) ишлаши учун мўлжалланган маълумотлар, буйруқлар ва кўрсатмалар мажмуи».

«Маълумотлар базаси – бу объектив шаклда ифодаланган ҳамда компьютер дастури ёрдамида излаш, топиш ва ишлов бериш мумкин бўладиган тарзда бир тизимга солинган материаллар (масалан, мақолалар, ҳисоб-китоблар, норматив ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, суд ҳужжатлари ва шунга ўхшаш бошқа материаллар) мажмуи ҳисобланади».

2. Компьютер дастурлари ва маълумотлар базасига оид фукаролик-ҳуқуқий муносабатларда фукаролик ҳуқуқининг барча субъектлари иштирок этади. Ўзбекистон Республикасида Интернет провайдерлар томонидан Интернет хизматларини кўрсатишда вояга етмаганларнинг ёшига доир маълумотлар муайян фильтрация қилиниши, вояга етмаганларга тақдим қилинадиган ахборотлар назорат қилиниши, болалар учун мўлжалланган ахборотлар оқимини ҳисобга олиб бориш, бунда болаларга салбий таъсир

кўрсатадиган, маънавий хуружга қарши курашишга доир ҳуқуқий механизм назарда тутилиши мақсадга мувофиқ.

3. Компьютер дастурининг интеллектуал мулкнинг бошқа объектларидан фарқли хусусиятлари аниқланди. Унга кўра, компьютер дастури бадий асарлардан қуйидаги хусусиятлари билан фарқланади:

– ҳуқуқий табиати бўйича;

– ҳуқуқий режими бўйича;

– муайян натижа олиш мақсадига йўналтирилганлиги билан;

– бадий асарлардан фарқли равишда махсус билимга эга бўлган дастурловчи жисмоний шахс учун тушунарли бўлган бошланғич матн ҳамда фақат компьютер ёки бошқа компьютер қурилмалари учун тушунарли бўлган ва бевосита буйруқ, кўрсатма асосида ишга тушувчи объект кодининг мавжудлиги билан;

– объектив шаклнинг ўзига хос шаклда яъни, ёзма, блок схема, турли алгоритм асосида компьютер учун тушунарли шакл – рақамли (электрон) шаклда намоён бўлиши билан.

4. Бугунги кунда компьютер дастурлари ва маълумотлар базасига нисбатан қайси ҳуқуқий режимни татбиқ этиш борасида турлича фикрлар мавжуд. Амалга оширилган таҳлиллар натижасида компьютер дастурлари ва маълумотлар базасига нисбатан ҳуқуқларни ноу-хау режимида ҳуқуқий ҳимоя қилиш мақсадга мувофиқ эмас деган хулосага келинди.

5. Компьютер дастури муаллифлик ҳуқуқи объекти, патент ҳуқуқи объекти, ошкор этилмаган ахборотлар режимидаги объектлар ҳамда интеллектуал мулкнинг ноанъанавий объектлари билан узвий боғлиқ ва уларнинг ривожланишини таъминлайди. Ушбу ривожланиш билан бир қаторда, унинг ёрдамида мазкур объектларга нисбатан ҳуқуқбузарлик содир этиш воситаси ҳам бўлиб қолаётганлиги ҳақидаги хулосага келинди.

6. Кўплаб ривожланган мамлакатларда маълумотлар базасига нисбатан қўлланиладиган *sui generis* режими ўрганилиб, мазкур ҳуқуқий ҳимоя режими оригиналлик, ижодийлик каби мезонларни асосий ва бирламчи мезон сифатида белгиламаслиги аниқланди. Маълумотлар базасини ҳуқуқий ҳимоя қилишда мазкур режимни миллий қонунчиликда қўллаш ҳуқуқ эгаларининг мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилишга кенг имкон беради.

7. Компьютер дастурлари ва маълумотлар базасига нисбатан ҳуқуқларнинг вужудга келиши муайян расмийликларни амалга оширишни талаб қилмайди. Шундай бўлсада, ушбу объектларга нисбатан ҳуқуқларни амалга ошириш, айниқса, шартномавий муносабатларда ҳуқуқларни тасдиқлашга эҳтиёж сезилади. Шу боисдан бу ўринда техник рўйхатдан ўтказиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

8. Дастурий таъминотдан фойдаланиш нафақат тарафлар ўртасидаги шартномавий мажбуриятлар, уларни лозим даражада бажариш, фуқаролик муомаласида бўлиши, балки давлат ва жамият манфаатларига ҳам ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Давлат ва корпоратив харидлар бўйича миллий дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар ва ушбу реестрга

киритилган дастурий маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган компанияларга устуворлик берилиши, шунингдек давлат ташкилотлари ёки давлат улуши бўлган ташкилотлар учун дастурий маҳсулотлар харид қилишда устуворлик бевосита миллий компанияларга берилиши қонунчиликда белгиланиши лозим.

9. Компьютер дастурларига нисбатан ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усули деганда, объектив мавжуд бўлган ҳамда моддий-ҳуқуқий, процессуал-ҳуқуқий нормаларда мустаҳкамланган у ёки бу фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун суд ёки ҳуқуқ эгаси томонидан қўлланиладиган асос, ўзак, восита тушунилади. Масалан, халқаро конвенция ва халқаро шартномаларга кўра ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг шартномавий-ҳуқуқий воситаси.

